

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 139 (10.192)

2004 ЙИЛ 21 ИЮЛЬ

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА

● **ЎТГАН** кунни Яккасарой туманидаги «Миробод», «Конституция» маҳаллаларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони билан бажаришга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● **БУГҲУН** эса Яккасарой туманидаги 320, 144, 172-мактабларда, 249, 250-болалар боғчасида ҳамда Абдулла Қаҳҳор номи маҳалла гузариди, «Дамарик» маҳалласида жамият ҳаётида хотин-қизлар фаоллигини оширишга қаратилган чораларга бағишланган тадбирлар уюштирилди.

● **ЎТГАН** кунни Юнусобод туманида тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон-либерал демократик партияси туман Кенгаши ташаббуси билан партиянинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш масаласига бағишланган йиғилиш корхона-ташкilotлар, маҳаллалар вакиллари иштирокида ўтказилди.

● **ЎТГАН** кунни Сергели туманидаги 8-мактаб спорт майдончасида болалар ўртасида ўтказилган спорт мусобақалари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан тузилган «Ези «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида уюштирилди.

● **КЕЧА** эса тумандаги «Наврўз» маҳалласида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сергели туман Кенгаши ташаббуси билан болалар иштирокида кўча оммавий спорт ўйинлари бўлиб ўтди.

● **ЖАҲОН** иқтисодиёти ва дипломатия университетини қошида юридик клиника фаолият бошлади. Талабаларнинг ҳуқуқий билимини янада ошириш мақсадида ушбу клиника тингловчиларига ҳуқуқшунослар ҳамда ўқитувчилар сабоқ беришмоқда.

● **ТОШКЕНТ** кимё-технология институтини олимлари томонидан янги электрон дарсликлар яратилди.

● **ДАВЛАТ** тест марказида олий ўқув юрталарига абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилиш жараёни ниҳоясига етганлиги муносабати билан тест имтиҳонларини муваффақиятли ўтказишни таъминлашга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
мухбирларимиз хабарларидан.

Иш кўзини билган тадбиркорнинг бугун ошиғи олчи. Негаки, уларга берилаётган имкониятлар, яратилаётган шарт-шароитлар иқтисодиётимиз ривожининг асосини ташкил этадиган кичик ва хусусий тадбиркорларга ниҳоятда қўл келмоқда.



ФИРМА ДЎКОНЛАРИ ОЧИЛДИ

Улардан оқилона фойдаланиш эса, албатта самара беради. Ишлаб чиқарилаётган ҳар бир маҳсулотни бугунги бозор иқтисодиёти шароитида харидорга манзур этишнинг ўзи бўлмайди. Чунки тадбиркорлар сафи кенгайя экан, рақобат ҳам шунга яраша ортиб бораверади. Шу боис ҳам бозорда ўз ўрнини топишга, харидорлари сафини ортиришга интилган тадбиркор жамоа изланишдан чарчамайди, янгиликка ўч бўлади, энг муҳими маҳсулот сифатиغا алоҳида эътибор қаратади, рақобатбардошлигини ошириб бораверади.

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Сағбон нон» акциядорлик жамияти тадбиркорлари ҳам зиммаларидаги масъулиятни ҳис этган ҳолда меҳнат қилишди. Уларнинг кечая кундўз қилган меҳнат самаралари эса ҳамшаҳарларимиз дастурхони тўқинлигида муносиб ҳисса бўлмоқда.

Жамоа мутасаддилари нафақат иссиқ нон ва нон маҳсулотлари, қандолат турларини тайёрлашга, балки уста новвой ва қандолатчиларнинг меҳнатлари маҳсулини истеъмолчиларга етказиб беришга ҳам эътибор қаратишган. Тайёрланаётган маҳсулотларни талаблар даражасида сифати бузилмай истеъмолчиларга етказиш, санитария-гигиена қоидаларига амал қилиш мақсадида ҳамда хизмат кўрсатиш самарадорлигини кўзда тутиб шахримиз туманларида «Сағбон нон» фирма дўконлари бирин-кетин фаолият бошламоқда. Ҳозирда 3 та ана шундай қулай ва замонавий фирма дўкони иш бошлади. Келгусида эса яна 7 та ана шундай савдо шохобчасини очиб кўзда тутилган бўлиб, яқин кунларда улар ҳам иш бошлайди. Натижада 20 та қўшимча ишчи ўринлари яратилади.

Фирма дўконларида сифатли маҳсулот ва намунали хизмат корхона келгуси истиқболда муҳим ўрин тутуши, шубҳасиз.

Шарофат БАХРОМОВА
СУРАТДА: корхона илғори Лобар Шокаримова сифатли маҳсулот тайёрлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.
Ҳақимжон Солиҳов олган сурат.

ИНТЕРНЕТДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

«Суғурта лайф» суғурта компанияси «Sarkor Telekom» интернет-провайдер билан ҳамкорликда янги лойиҳани амалга ошира бошлади. Бундан мақсад «Sarkor Telekom» компаниясининг интернет-

карталаридан фойдаланувчи кўп минг сонли жисмоний шахсларга суғурта ҳимоясини тақдим этишдир.

Хизматнинг афзаллиги шундаки, суғурта полиси провайдер томонидан со-
вға тариқасида берилади

ва бахтсиз ҳодиса юз берганда миқдори суғурта қопламаси тўланади.

Ҳозиргача Интернет тизимидан фойдаланувчи уч юз эллик миқдорда суғурта полисига эга бўлди.

фар аён учун ўтказилди. Улар Тошкент шаҳри, Самарқанд, Бухоро, Жиззах, Сирдарё, Фарғона, Хоразм вилоятларида 180 нафар номзод орасидан танлаб олинди. Семинар қатнашчилари хусусий корхоналар очиб, қўнунчилик, бухгалтерия ҳисоб-китоби, солиқ тизими, микроолиялаш, маркетинг ва психология борасида амалий билимларни эгаллади. Бундан ташқари уларни бизнесда замонавий технологиялар билан ишлашга ўргатиш мақсадида компьютер ва Интернетдан фойдаланиш бўйича махсус ўқув курслари ташкил этилди.

ЎЗА

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН БИЗНЕС-СЕМИНАР

Пойтахтда тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган аёллар учун беш кунлик бизнес-семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси ишбилармон аёллар «Тадбиркор аёл» уюшмаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбир «Ўзбекистонда хотин-қизларнинг иқтисодий макомини оширишни қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси доирасида EuropeAid техник кўмак дастурига мувофиқ Европа Иттифоқи ҳомийлигида ўтди.

Лойиҳанинг асосий мақсади хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ва ўз ишини бошлашда аёлларга кўмаклашишдан иборат, - дейди лойиҳанинг етакчи эксперти, «Имкон-Преста» консалтинг фирмаси директори Зуфия Тўхтақўжаева. - Бу йўналишдаги янги ташаббуслар хусусий фирма ва меҳмон-

хоналар, нашриёт марказлари, кийим-кечак ва бош кийимлар тикиш, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича кичик корхоналар, хунармандлар ус-
тахоналари, маийш хизматлар марказлари ташкил этишни ўз ичига олади.

Мазкур бизнес-семинар ўз бизнес-лоийҳасини бошлашга қарор қилган 50 на-

XXI саҳоси

Барча маълумотларни олгангиз сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Кеча Самарқандда «Ўзбекистонда 2004 йилда эркин демократик сайловлар ўтказишнинг ҳуқуқий асослари» мавзусида ҳудудий семинар-тренинг бўлиб ўтди.

● Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлигида ташкил этилган илмий-амалий конференция «Ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда хотин-қизларнинг сиёсий фаоллиги» мавзусига бағишланди.

● Сирдарё вилояти маҳаллаларидаги 320 дан ортиқ хотин-қизлар комиссиялари «Энг ибратли маҳалла хотин-қизлар комиссияси» вилоят кўриқ-танловида иштирок этмоқда.

● Навоий шахрида «Эстрада хонандалари» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

● Марғилондаги «Олимпус» курилиш компанияси маҳаллий хом ашёдан черепица ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Ҳозир ушбу корхонада кунига 300 та томёпгич ишлаб чиқарилмоқда.

● Янгиқўрғон туманидаги Искот кўшлогига халқаро андозаларга мос янги спорт мажмуаси иш бошлади. Барча қулайликларга эга ушбу иншоот курилишига 350 миллион сўм маблағ сарфланди.

● АҚШнинг 20 нафар волонтерлари Бухоро вилоятидаги «Йўлдош» болалар соғломлаштириш оромгоҳида дам олаётган болаларга инглиз тилидан сабоқ бердилар.

● Куйи Чирчиқ туманидаги Дўстобод туман марказида тумандаги илк супермаркет ўз эшикларини очди.

Жаҳонда

● Боливида мамлакатнинг асосий бойлиги — газ экспорти билан шугулланувчи хорижий компанияларга катта миқдорда солиқ солинишининг омма томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлаш мақсадида умумхалқ референдуми ўтказилди.

● Жорий йилнинг май ойи бошларида Куба ва Мексиканинг сиёсий қарашларида юзага келган тафовутдан сўнг ҳукуматлар ўз элчиларини қақриб олгандилар. Ҳар иккала давлат 26 июль кунини ўз элчиларини алмашишга келишиб олишди.

● Бағдоддаги полиция биноси олдига қўпоровчилик ҳаракати амалга оширилди. Машина портлатилиш натижасида 9 киши ҳаётдан кўз юмди.

● Украинанинг Родникс шахрида жойлашган «Краснолиманск» шахтасида содир бўлган портлаш оқибатида бир соат ичида 21 нафар шахтёрнинг ҳалок бўлганлиги аниқланди.

Иқтисодиёт

ТАЛАБЛАР АСОСИДА

Бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда иш юритаётган корхоналар шахримизда кўплаб топилди. «Хорижқурилиш» масъулияти чекланган жамиятини шулар жумласига киритиш мумкин.

Мазкур жамият жамоаси айни кунларда йил бошида тузилган шартномага асосан 10 миллион сўмлик пенобетон маҳсулотларини буюртмачига июль ойи охиригача етказиб бериш мақсадида ғайрат билан тер тўкмоқда.

— Корхонамиз ахли нафақат сифатли бетон плита, пенобетон блоклар ишлаб чиқаради, — дейди жамият бошқаруви раиси Фуломиддин Зуфаров, — балки ушбу маҳсулотларни чиқаришга мўлжалланган мини заводлар, дастгоҳ ва ускуналарни ҳам шу ерда тайёрлаб, ички бозоримизда сотамиз. Шунингдек, «ZIM» — универсал шпаклевкаларимиз мижозларимизни мамнун этмоқда.

Эътиборли томони, аҳил жамоа аъзолари фуқаролик объектларида қурилиш-тиклаш ҳамда таъмирлаш ишларини ҳам кўнгилдагидай бажармоқдалар.

«ALCOPON» ПАНЕЛЛАРИ

Қурилиш билан шугулланаётган фуқаролар ёки ташкилотлар биноларининг нафақат чироили, маҳабатли, кўркем рангларда бўлиши, балки сифатли, мустаҳкам ҳамда узок йиллар хизмат қилишига ҳам эътибор қаратадилар, албатта.

Утган 2003 йилда иш бошлаган «AND-POLIC» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси ички бозоримизга юқори сифатли алюмин-пластикдан тайёрланган композиитли «ALCOPON» панеллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Корхона жамоаси 1 йилда 432000-550000 квадрат метр: узунлиги 2440 миллиметр, эни 1220 миллиметр ҳамда қалинлиги 4 миллиметр бўлган панеллар ишлаб чиқариш қувватига эга. Мижозлар истагига биноан панеллар ҳамми ўзгартирилиши мумкин ҳамда бир қанча қўшимча хизматлар ҳам кўзда тутилган. Корхона маҳсулотлари жаҳон стандартларига тўла жавоб беради ҳамда бинонинг ташқи гўзаллиги ва хоналар кўркемчилигини таъминлайди.

Мазкур корхона цехларида ўрнатилган замонавий дастгоҳ ва ускуналар шарофати билан дунёда етакчи ҳисобланган немислар технологияси асосида ишлаб чиқарилаётган «ALCOPON» панеллари қатор афзалликларга эга, улар ҳар қандай иқлим шароитларида чидамли ҳамда ўрнатишда жуда қулай.

Қўшма корхона тадбиркорлари доимо изланишда, истиқболдаги режага мувофиқ маҳсулотлар экспортини йўлга қўйиш мақсадларини кўзлаб меҳнат қилмоқдалар.

Муҳаддас
УМАРБЕКОВА

Бозор ва хорижор

АНИҚ МАҚСАДЛАРНИ КЎЗЛАБ

Юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий инвесторлар учун етарли шарт-шароитлар яратиш ҳамисида эътиборда. Ана шундай имкониятлардан унумли фойдаланаётган корхоналардан бири Бектемир туманидаги «DAEWOO PASK CO. LTD» Жанубий Корея-АҚШ хорижий корхонасидир.

Мазкур корхона 1997 йилда Жанубий Корея давлатининг «DAEWOO» корпорацияси ва «Dong Jin Industrial Co. LTD» компанияси билан ҳамкорликда 100 фоиз хорижий сармоя ҳисобига ташкил этилган. Ундан кўзланган мақсад эса юртимизда тўқимачилик, халқ истеъмоли моллари, қандолатчилик, озик-овқат саноати каби кўплаб соҳаларда фаолият кўрсатаётган қўшма

вобгар. Маҳаллий ёшлар эса хорижий дастгоҳ ва ускуналарни моҳирлик билан бошқармоқдалар.

— Ички бозорни чуқур ўрганиш, изланиш туфайли ҳам ўз йўлимизни топиб олдик, — дейди хорижий корхонанинг етакчи менежери Улугбек Мухиддинов. — Ишчиларимизга яратилган қулай шарт-шароитлар сабабли фаолиятимизда унум сезилмоқда.


Корхонанинг асосий буюртмачилари «Кобул-Ўзбек Текстиль Ко. ЛТД» қўшма корхонаси, Наманган, Фарғона шаҳарларидаги тўқимачилик корхоналари, «ЎзБАТ» қўшма корхонаси, «Mediz» ёпиқ ҳиссдорлик жамияти, «Нестле» компанияси ва бошқа кўплаб жамоалардир. Ўз-ўзидан маълумки, мазкур корхоналар ўз маҳсулотларини четга экспорт қилишлари учун жаҳон андозаларига жавоб берадиган, юқори сифатли қадокловчи картон қўтилар керак бўлади.

Экспорт ҳажми ортаган сари картон корхона маҳсулотларига ҳам эҳтиёж йил сайин ошиб бормоқда. Асосийси эса бу маҳсулотлар учун Ўзбекистон Республикаси Макроиқти-



корхоналар учун экспортбоп картон қўтилар ишлаб чиқаришдир.

1998 йилдан иш бошлаган корхонанинг 50 га яқин малакали ишчи-хизматчилари меҳнати туфайли бугунги кунда буюртмачилари сони ортиб бормоқда. Рақобатбардош маҳсулотлардан ярим йилда 657.415.863 сўмлик ишлаб чиқарилди ҳамда мижозларга етказиб берилди. Сифатли қўтилар тайёрлаш учун эса замонавий хорижий, юксак унумли дастгоҳ ва ускуналар зарурлиги назарда тутилиб Жанубий Кореядан 1.171.880 АҚШ доллариға сифатли техниклар ҳамда унга керакли эҳтиёт қисмлар шартнома асосида келтирилиб, корхона цехларига ўрнатилди. Шунингдек, корхонада меҳнат қилаётган корейлик етакчи мутахассис барча технологик линиянинг бир маромда ишлашига жа-



содиёт ва истиқболни белгилаш вазирилик томонидан 1999 йилда «Экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган» сифат сертификати берилган.

Рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун корхонага Жанубий Корея ва Финляндия давлатларидан сифатли қоғоз ҳамда бошқа хом ашёлар келтирилади. Харидорбоп қўтилар асосан 3 ва 5 қаватли қоғозлардан таркиб топган картонлардан тайёрланади ҳамда флексграфия машиналарида мижозларнинг хоҳиш-истагига биноан рангли, чироили безакланади. Бу ҳам маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Ички бозорда яхши танилган корхона жамоаси жорий йил охиригача маҳсулотларини экспорт қилишдек эзгу мақсадларни кўзлаб меҳнат қилмоқдалар. Бунинг учун эса корхона ишчи-хизматчиларида барча имкониятлар мавжуд.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА
СУРАТЛАРДА:

«DAEWOO PASK CO LTD» хорижий корхонасининг бош директори (чапдан ўнгга) Жанг Чен Хо, менежерлар Улугбек Мухиддинов ҳамда Инна Лилар билан янги режалар хусусида суҳбатлашмоқда; корхона цехларида доимо иш қизғин.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

Чилонзор туманидаги 17-мавзеда янги тиббиёт маркази қурилиб, фойдаланишга топширилди.

ЯНГИ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

Хусусий тадбиркор, тиббиёт фанлари номзоди, доцент Абдурахмон Ҳасановнинг югуриб-елишлари сабаб янги тиббиёт марказининг лойиҳа ишлари амалга оширилди. Тошкент шаҳрини лойиҳалаш ва қайта қуриш институти томонидан янги марказ лойиҳаси ишлаб чиқилди.

— Асосан икки қаватли бу бинонинг биринчи қаватида шифокорлар учун қабулхоналар, кулоқ, бурун, томоқ касалликларини текширувчи махсус хоналар жойлашган, — дейди ишбосхи Абдурахмон Ҳасанов. — Булардан ташқари тиббиёт марказидан муолажа хоналари ҳамда стерилизация хоналари

ҳам ўрин олган.

Бинонинг иккинчи қаватида амбулатор жарроҳликка мослаштирилган хоналар, беморлар ётиб даволанишлари учун махсус палаталар бўлиб, бу ерда касаллик тарихи ёзилган беморлар билан тиббий муолажалар олиб борилади. Янги барпо этилган тиббиёт марказининг ҳар бир хоналари ўзига хос тарзда қурилган бўлиб, зарур тиббиёт анжомлари билан жиҳозланган.

2000 йилда тиклаш ишлари бошланган ушбу марказ қурилишида кўплаб маҳоратли курунчилар меҳнат қилишди. Санитар тозалikka риоя қилиш мақсадида бинонинг барча хонала-

рига иссиқ ва совуқ сув қувурлари ҳам ўрнатиб чиқилди.

— Эндиликда бемалол айтишимиз мумкинки, тиббиёт марказимиз барча шарт-шароитларга тўла эга, — дейди сўзини давом эттириб Абдурахмон ака. — Келгусидаги режамиз марказимиз фаолиятини имтиёзли хизмат кўрсатиш асосида юритади. Туманимизда яшовчи ногиронлар, пенсионерлар ҳамда етим болаларга бепул муолажалар ўтказамиз. Шу ўринда II-III гуруҳ ногиронлариға ҳам албатта ўз беминнат ёрдамларимизни аямаймиз.

Даво истаб келган ҳар қандай беморга қўлларидан келганча кўмак беришни олдилаганга мақсад қилиб ишлаётган янги тиббиёт маркази шифокорларига бу йўлда омадлар тилаймиз.

Азим РЎЗИЕВ

Излашишлар

ПАРРАНДАЛАРГА ТЎЙИМЛИ ОЗУҚА

Тошкент кимё-технология институти олимларининг самарали изланишлари натижалари амалиётда кенг қўлланилмоқда. Олий ўқув юрти лабораториясида ҳосил қилинган янги хил ўсимлик ёғи ҳам мутахассислар эътиборини ўзига тортди.

«Еғду» деб номланган бу ёғни саноат асосида ишлаб чиқариш технологияси ўзлаштирилди.

Кармобид аралашмаси билан қўшиб, ундан тўйимли кунжара олиш технологияси яратилди. Бу эса паррандалар учун экологик тоза озуқа тайёрлаш учун замин яратди.

Бугунги кунда институт олимлари қатор янги йўналишларда тадқиқотлар олиб боришмоқда. Фан ва технологиялар республика маркази томонидан ажратилган грантлар бўйича амалга оширилаётган бу янгилар натижалари кимё, нефть-газ, озик-овқат ва ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларида қўллаш учун тасвия этилади.

Мираббос РУСТАМОВ

Транспорт

ТОШКЕНТ МЕТРОСИ ҲАҚИДА КИТОБЧА

Марказий Осиёда ягона ҳисобланган Тошкент метрополитени ўзининг чорак асрдан ортиқ тарихига эга. Бу ер ости темир йўли қасрининг бунёд этилиши мамлакатимиз ҳаётида катта воқеа бўлган.

Электропоезд вагонларига тушиб, метро бекатлари бўйлаб сайр қилган йўловчилар эътиборини қасрнинг меъморийчилик санъатига бой кўринишлари ҳам дарҳол ўзига тортиди. Бу нафосатдан унинг бетақорор гўзаллигидан завқ олмай бўладими, ахир ушбу ер ости қасрининг ҳар томонлама ажиб меъморий обиди янгилик бунёд этилишида кўпчиликнинг меҳнати мавжуд.

Утган вақт ичида метро ҳаётида эсда қоларли воқеалар юз берди. Метро барча та-

лабларга жавоб берадиган транспорт хизматиға айланди. Бу юз берган ўзгаришлар ақинда чоп этилган «Тошкентнинг ер ости мўъжизаси» деб номланган китобчада ўз ифодасини топди. Тажрибали транспортчи, Тошкент метросига кўп йиллар раҳбарлик қилган Шоиноъ Шобудрахимов қаламиға мансуб бу янги нашр метро хизматиға ўзида акс эттирган талайгина фотоматериаллар билан ҳам безатилди.

Сайёра МИРЗАЕВА

Маънавият

КЎП
ЖИЛДЛИК
НАШРЛАР

Ўзбек адабиёти ўзининг бой тарихига эга. Ана шу кўхна адабий жараён тарихини тадқиқ этиш йўлида олиб борилаётган изланишлар яхши самара бермоқда.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти олимлари саъй-ҳаракати билан қатор йирик илмий ишлар юзага келди. Илмий муассасаларнинг мумтоз адабиёт тарихи бўлимининг бу борадаги фаолияти ҳам диққатга сазовордир.

Беш жилдан иборат «Ўзбек адабиёти тарихи» китобининг чоп этилиши ҳам маданий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди. Бўлим ходимлари томонидан олиб борилган янги изланишлар туфайли бу наشري янада кенгайтириш имкони туғилди.

Ҳаққоний «Ўзбек адабиёти тарихи» нашрида ана шу адабий жараён ўзифодасини топади. Бўлимга тайёрланаётган мазкур жилдлар энг қадимги вақтдан XX асргача бўлган даврни ўз ичига олади.

«ФАЛСАФА:
КОМУСИЙ
ЛУФАТ»

Ўзбекистонда фалсафа фанини ривожлантириш йўлида кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилмоқда. «Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти»нинг бу борадаги изланишлари ҳам самарали бўлмоқда.


Жамият йўли билан амалга оширилаётган ишлар салмоғи ортиб, катта бир илмий йўналишни ташкил қилмоқда. «Фалсафа: Комусий луфат» деб номланган китобнинг босмага тайёрланиши ҳам олимларнинг жиддий ютуғи бўлди. Бу нашр Ўзбекистонда луфатчиликни ривожлантиришга қўйилган катта ҳисса бўлди.

Жамият бу соҳадаги изланишларини давом эттириб, яна қатор луфат адабиётларини босмага тайёрлаш устида қизғин иш бошлаб юборди. Бундай тўпламлар «Ахлоқшунослик луғати» ҳамда «Эстетика луғати» деган номларда тақдим этилади.

Бундан ташқари «Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар», «Ўзбекистон фалсафаси», «Шарқ фалсафаси тарихи» деган йирик китоблар нашрга тайёрланмоқда.

Бу ва шунга ўхшаш ишлар аспирантлар, талаба-ёшлар учун фойдали қўлланмалар бўлиб ҳам хизмат қилади.

Ақбар АЛИЕВ



Болалигим — подшолигим. Бахтиёр ва беғубор қувноқ болалиқнинг бебаҳо палласидир бу дамлар.

КУЛОЛЧИЛИК
САНЪАТИ
КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Бадий академиясининг Халқаро маданият карвон саройида Эрон кулолчилик санъати кўргазмаси очилди.

Кўргазмада эронлик усталар Мухаммад Махдий Анушфар ҳамда Суҳайл Шайбоний томонидан яратилган юздан зиёд бадий кулолчилик буюмлари - гулдонлар, қандиллар, кўза ва лаганлар намойиш этилмоқда. Хар иккала ҳунарманд маҳаллий ҳамда халқаро миқёсда ўтказилган бадий кўргазмаларда муваффақиятли иштирок этган.

Эронлик ҳунармандлар ижодининг ўзига хос жиҳати шундаки, улар сопол буюмларни олтин рангда сирлаш услубидан моҳирона фойдаланади. «Парвоз», «Табият мажмуи», «Семур» каби бадий композициялар худди шу жиҳати билан томошабинларда айниқса катта қизиқиш уйғотмоқда.

Кўргазмада Эрон Ислоҳ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Мухаммад Фатҳали иштирок этди.

Ўғрилиқ, талончилик ва босқинчилик каби жиноятга қўл урган ўсмирни бу ишларга айнан нималар ундаганлиги масаласи алоҳида ўрганишни тақозо қилади.

Мулоҳаза

ЎҚУВЧИЛАР УМУМИЙ ЛИБОСИ
ЖОРИЙ ЭТИЛСА...

Тахлиллардан мулкий жиноятларга қўл урган ўсмирларнинг аксарият қисми нафақат тарбияси, балки еб-ичиши, кийим-бош билан таъминланиши масалалари ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган оилаларнинг фарзандлари эканлиги маълум бўлади.

Мен бу ўринда вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарлик ва жиноятга қўл уриши учун йўл очаётган биргина кичик омилга эътиборингизни қаратмоқчиман. Гарчи, бу ҳолат доимо ҳам вояга етмаган болани жиноятга тўғридан-тўғри қўл уришга мажбур қилмасда, унинг мурғак қалбидан норозилик, камситилиш ва адолатсизлик туйғуларини келтириб чиқаради.

Гап вояга етмаганларнинг ўқув муассасасида кийиниши ҳақида кетмоқда. Шунини айтиш керакки, мактабда таълим олаётган болаларнинг имкон қадар бир хилда кийинишини таъминлаш ўқувчилар орасидаги психологик муҳитни албатта юмшатган бўлар эди.

Чунки, бутун ўқув мавсуми давомида деярли бир хил кийиниб, ўқишга қатнаётган ночор ёки номасқул оиланинг фарзандига нима учун унинг айрим синфдоши ёки партадоши кунора янги ва қимматбаҳо кийимлар кийиб келишини тўшунтириб бериш қийин.

Бу ҳолатларга конкрет жиноят ишларидаги мажхуд материаллар билан изоҳ бера бўлади. Амалий иш жараёнида ҳам ўғрилиққа қўл урган

вояга етмаганлар билан ўтказилган суҳбатларда улар жиний қилмишларини ўзларининг ўртоқларига ўхшаб жинси ёки кроссовка кийиш орзуида амалга оширганликларини маълум қилган ҳолатлари учраб туради.

Шундай экан, мутасадди идоралар, таълим муассасалари, хусусан умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун кенг ҳажмда ва кўпчилик оилаларга мақбул бўлган нархлардаги умумий либосни жорий қилиш ҳақида ўйлаб кўрсалар айни муддао бўларди.

Бизнингча, шундай қилинса у ўсиб келаётган ёш авлодни тўғри тарбиялаш, улар ўртасида болалиқдан ташқи кўринишдаги рақобат, ноўрин гуруҳланиш ҳолатларининг олдини олишга ҳамда болалиқдан бир-бирига тенг ва соф муносабат, меҳр-муҳаббат, жамият ва келажаққа ишончининг юзага келишига хизмат қилган бўларди. Қолаверса, янги руҳдаги миллий мафкурамизни шакллантиришда энг оддий омил - ўқувчилар учун оммабоп миллий ва замонавий либослар яратиш амалиётидан фойдалансак, нур устига нур бўлмайдими?

Зеро кўнгли меҳрга ва ишончга тўла мағрур фарзандларимизгина юртимизнинг буюк келажигини бунёд қилишини унутмайлик.

Зокир ИБРАГИМОВ,
Чилонзор туман прокурори, адлия
маслаҳатчиси, юридик фанлари номзоди.

ЙИГИТЛАР ТАНЛОВИ

«Экосан» халқаро экология ва саломатлик жамғармасида «Энг ибратли йигит» республика кўрик-танлови тақдими бўлиб ўтди. У жамғарма ташаббуси билан ташкил этилди ва қатор вазирликлар, идоралар, ноҳукумат тузилмалар томонидан қўллаб-қувватланди. Улар орасида Мудофаа вазирлиги, ИИБ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Ўзтеле-радиокомпания, «Маҳалла», «Қамолот» жамғармалари, «Ватанпарвар» ташкилоти бор.

«Экосан» жамғармаси раиси, кўрик-танловни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитаси раиси Ю.Шодиметов янги тадбирнинг мақсад ва вазифалари ҳақида мамлакатимиз ва халқаро ташкилотлар вакилларига сўзлаб берди.

Давлатимизнинг асосий салоҳияти ёшлар ҳисобланади. Шу боис уни ҳар томонлама жисмонан ва ақлан ривожлантириш лозим. Шу муносабат билан ёшларни ҳаётга тайёрлаш, уларни чаққон ва жасур, билимли, ахлоқи юксак, ўз Ватани, уйини ҳимоя қилишга қодир, ўз оилаларининг маънавий ва моддий фаровонлигини таъминлай оладиган шахслар қилиб тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. «Энг ибратли йигит» танлови бу вазифани амалга оширишга қаратилган.

У 17-25 ёшдаги ёшлар - ҳарбий хизматчилар, мактабларнинг 11-синф ўқувчилари, лицей ва коллеж ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари, маҳаллалар ёшлари ўртасида ўтказилмоқда. Ғолибларни аниқлашда ҳар бир иштирокчининг зехни, атроф-муҳит ва саломатликка муносабати, спорт, ҳарбий билим ва кўникмалари, фавқулодда вазиятларда ўзини тўғри тутиши, тадбиркорлик қobiliятлари ҳисобга олинади. Ота-онага ҳурмат, ўй ишларини бажаришга қодирлиги, соғлом турмуш тарзи кечириш зарурлигини тушуниши каби сифатлар ҳам эътибор берилади. Тармоқлар бўйича малакали мутахассислардан иборат ҳайъат танлов иштирокчиларини баҳолайди.

Жаҳон ҳамжамияти атроф-муҳит мусаввоблигига жиддий эътибор қилинган кўнра, нефть, газ истеъмолини камайтириш, уларнинг ўрнига қайта тикланувчан энергия манбалари - қуёш, шамол, оқар сув ва биогаздан халқ ҳўжалигида кенгроқ фойдаланишни мазкур муаммони бартараф этишнинг мақбул йўли сифатида эътироф этмоқда.

ЭНЕРГИЯ ВА
ЭКОЛОГИЯ

Мамлакатимиз табиий захираларга бой. Юртимизда истиқлол йилларида мавжуд нефть ва газ захиралари эвазига энергетика мустақиллиги қўлга киритилди. Айни вақтда иссиқлик ишлаб чиқарувчи қозонхона агрегатларининг анчагина қисми эскиргани муайян муаммолар туғдирапти.

Олимларимизнинг уларни бартараф этиш мақсадида қайта тикланувчан энергия манбалари, хусусан, қуёш энергиясидан халқ ҳўжалигида кенг фойдаланиш йўллари топишга бағишланган илмий тадқиқотлари ўз самарасини бераптир.

Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида «Қайта тикланувчан энергия манбалари - барқарор ривожланиш омили» мавзусида ўтган анжуманда ана шунлар қайд этилди.

Тадбирда иштирок этган олимлар, табиатни муҳофазалаш идоралари, ишлаб чиқариш корхоналари, тегишли давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар вакиллари билан биргача бу борада амалга оширилаётган ишлар кўламини янада кенгайтириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан фикр-мулоҳаза юритдилар.

ЎЗА

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўқитиб
домо бўлиб...

● Аёلسиз ҳаёт тонги ва оқшоми мусалфозлиги, кундузи эса — ғамгин.

● Севги — ажиб бир гул, аммо тубсиз жар ёқасида ўсган бу гулга яқин бормок ва узмок учун жасорат керак.

● Севги ўзида инсоннинг ҳамма эзгу фазилатларини мухассамлантиради.

● Аёл — буюк сўз, унда кизлик мусалфозлиги, дўстга хос фидойилик, она жасорати таркиб топган.

● Севги худди чамқок каби қудратли, аммо момақалди-роқсиз чамқайди. Унинг энг кучли зарбалари ҳам ёқимлидир.

● Донолар айтади: севгининг худди инсон ҳаётига ўхшаган ўз тараққиёт қонунлари, ўз мавсумлари бор. Уни гуллаб яшанган баҳори, ёндирғудек ёзи, охири-оқибат кузи ҳам келадики, у баъзилар учун иссиқ, чароғон ва серхосил бўлса, айримлар учун совуқ, чирик ва мевасиз келади.

● Ҳар бир севги ўзича чин ва гўзалдир. У бошда эмас, юракда бўлмоғи керак.

● Мухаббат бамисли олов, қаловсиз қолдими ўчади.

Байт:

Хаяжон тўлкини, ҳасрат,
табассум,
Ширин ҳаёллару, жон
олар масъум.

Нозик ибодару сенгадир
исён —

Мухаббат соҳибни бахти-
ёр инсон.

● Рашк ошиқ учун азоб-укубат, машуқ учун ранж-изтироб манбаидир.

● Дунёда инсон юрагини жирканч манзаралар билан тўлдириб рашк каби ҳурловчи кулфат бўлмаса керак.

● Рашкчининг муҳаббати кўпроқ нафратга ўхшаб кетади.

● Аёл муҳаббатидан жудо бўлган одам бу севгини сақлаб қолмагани учун фақат ўзини айблаши мумкин.

● Рашк шубҳалари қутқуси билан мутлақо ғуноҳсиз одамни ҳам ҳақоратлаб қўйиши мумкин.

● Шундай олижаноб муҳаббатлар борки, улар рашка мутлақо ўрин қолдирмайди.

● Донолар айтади: оқила рафиқа! Агар сен эринг ёнингда бўлишини истасанг, шунинг пайига тушгинки, токи у ҳеч ерда сенинг ҳузурингдаги каби роҳат-фароғат ва мулоимликка дуч келмасин.

● Чинакамига севган одам рашк қилмайди. Мухаббатнинг асл моҳияти — ишонч. Бордию муҳаббатдан шу ишончни тортиб олингчи, унда сиз унинг ўз кучига бўлган ишончи, давомийлиги, жамики нурафшон томонлари — бинобарин, барча улугворлигини тортиб олган бўласиз.

Байт:

Кўча севгиси уйини
барбод этар,
Уйингни хотин расм-
обод этар.

● Дунёда ҳалол одамдан буюкроқ зот йўқ.

● Ҳалоллик ҳар қандай мартабани беъади.

● Виждонли одамлар учун ҳалоллик саводли одамлар учун илм қанчалик зарур бўлганидан ҳам кўра қимматлироқдир.

Албатта, ҳар бир ота-она боласига жонини ҳам беришга тайёр бўлади, ҳеч нарсани аямасдан ўғлимга бўлсин, қизимга бўлсин, деб умр бўйи оруз-хавас қилиб яшайди. Лекин ҳаёт катта синов экан. Шунинг учун баъзи оилалардаги хаддан ташқари дабдабали тўйлардаги тўкин-сочинлик ва тайёр уй-жойлар, машиналар ёшларнинг эрканлиб қолишига, уй-жиҳозлар қадрига етмасликига, умуман ҳаётга жиддий қарамасликка олиб келади. Ва натижада оилалар бузилиб кетиши ҳолатлари учрайди. Икки ёш ўзига яраша бахтини ҳам топиб кетиши мумкин, аммо энг ачинарлиси, ўртада беғуноҳ болалар қолади. Бундай ҳолатлар — фожиа. Халқимизда бундай болалар «тирик етим» деб аталади.

Асрлардан буён сақланиб қолган маънавий қадриятлардан бири оиладаги одоб-ахлоқдир. Шунинг учун биз ота-оналар тарбияга доимо ниҳоятда зўр эътибор беришимиз лозим. Қизимиз катта бўлгани сайин, одолиб, қамтар, ҳушмуомалали, покиза қилиб тарбиялаш — унинг келажагини белгилайди. Қиз бола ўқишини ҳам, уй юмушларини ҳам эплай олса, у келажақда яхши ўй бекаси бўлиб етишади. Бундай қизлар рўзгордаги баъзи нарсаларни қайнонасида ўрганиб, қайнонасининг ҳам, эрининг ҳам кўнглини олишга ҳаракат қилади. Бундай бўлиши учун қизнинг тарбияси, феъл-атвори муҳим роль ўйнайди. Чунки янги тушган оилада ўзига хос тартиб-қоидалар мавжуд, уларга қўйилган, уй-рўзгорга ўрганиш ўзига яраша қийинчиликлар туғдиради. Шуларнинг барчасини эплай олган қизлар, ҳаётда бахтиёр бўлади. Ана шун-

дай қизларни кўрсанг, дилинг қувонади. Бундай қизлар жуда гўзал: кийимлари-ю, юриш-туришлари, чиройли сўзлари-ю, катта-кичикларга бўлган муносабатлари. Пардозлари ҳам ўзига яраша. Улар ҳам замонавий, ҳам ўзбек урф-одатларига риоя қилади.

Хўш, ўғил бола-чи? Ўғил воёга етган сари, унинг масъулияти ошади. У яхши ўқиб, бир яхши касб эгаси бўлиши осон иш эмас. Ота-

лари ёдимда. Каттароқ бўлганимизда, ҳаммамизни йиғиб суҳбатлашарди. Замоннинг зайли билан бизни рус мактабига ўқига берганлар, лекин доимо ўзбекча ниҳоятда яхши билиши керак, деганлар. Биз қизларни ҳеч қачон уришмас эдилар. Бирор гап бўлиб қолса, «қизингизга айтинг, ундай қилмасин» деб секин аямақ танбех бериб қўяр эдилар. Укаларимни ниҳоятда эрқалар, лекин

вакти келса қаттиқ танбех бера эдилар. Бу ҳам энди тушунсам ўзига хос маданият экан. Ота қизларини эрқалаб, ўғилларига жиддийроқ муносабатда бўлиши керак экан. Яна бир нарсани эслашман: ҳеч қачон биз қизлар ҳам дадамизнинг кўзларига тик қараб гапирмаганимиз. Дадам кўпроқ ишда бўлганлари учунми, уларни жуда-жуда соғинар эдик, аямиз билан бирга ҳар куни кутар эдик. Ошни ҳам улар келишига дамбаб сузардик. Бу тарбияни мен ҳам ҳозирги кунда болаларимга, невараларимга беришга ҳаракат қилиб келаяман.

Жамиятимизда замонавий, маданий ва шу билан бирга ўзбекона урф-одатларни қўллаб келган яхши оилалар кўп. Ўзбекчилик, қўшинчилик, маҳаллачилик — ҳар бир ўзбек оиласининг кўрқидир.

Лекин, афсуски, «тирик етим» бўлиб қолган болаларни кўрсанг, одамнинг дили эзилиб кетади. Бир болага ҳамма нарса етарли бўлса ҳам ота-онанинг меҳри йўқлиги катта фожиадир. Қанчадан қанча ўғил-қизлар кўпроқ отанинг меҳрига зор.

Истардимки, илоҳим дўғиримизда «тирик етим»лар бўлмасин, Оллоҳ бемехрларга инсоф берсин!

Гулнора МАНСУРОВА

2004 — Меҳр ва нурулбағи йили

ЯХШИ ТАРБИЯ — БАХТЛИ
КЕЛАЖАК МЕЗОНИ

Оила инсон ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Айниқса, биз ўзбекларда оила маданияти ўзига хос характерга эга. Оила жамият негизи бўлиб, кўп асрлик мустақкам маънавий таянчларга эга. Бизнинг урф-одатларимиз, тўй-маъракаларимизда ҳар бир оила ўзини намойиш қилади.

онани ҳурмат қилувчи йигит, хотини, бола-чақасини ҳам эъзозлайди. Ўзини ҳурмат қиладиган йигит турмушининг барча қийинчиликларини енгиб, астойдил меҳнат қилиб, бола-чақасини ҳам, ота-онасини ҳам боқади. Оилада, кўча-қўйда, иш жойларида ҳам ўзига ҳурмат орттиради.

Оилада ота-онанинг ўрни бекиёс. Уларнинг меҳри ҳамма нарсадан афзалдир. Ёшлитимни эсласам, аям раҳматли менга «жоним қизим» деб муружаат қилар эдилар. Оламдан кўз юмганларига кўп йиллар ўтсанда, ҳамон шу ширин сўзларини эслаб юрман. Дадам раҳматли ҳам биз болаларни «сиз»лаб гапирар эдилар. Биз билан баъзан ховлида ўйнаганлари, эрталар айтган-

ришга ҳаракат қилиб келаяман.

Жамиятимизда замонавий, маданий ва шу билан бирга ўзбекона урф-одатларни қўллаб келган яхши оилалар кўп. Ўзбекчилик, қўшинчилик, маҳаллачилик — ҳар бир ўзбек оиласининг кўрқидир.

Лекин, афсуски, «тирик етим» бўлиб қолган болаларни кўрсанг, одамнинг дили эзилиб кетади. Бир болага ҳамма нарса етарли бўлса ҳам ота-онанинг меҳри йўқлиги катта фожиадир. Қанчадан қанча ўғил-қизлар кўпроқ отанинг меҳрига зор.

Истардимки, илоҳим дўғиримизда «тирик етим»лар бўлмасин, Оллоҳ бемехрларга инсоф берсин!

Гулнора МАНСУРОВА

Салтанат

ИЖОДКОРНИНГ РУҲИЙ ОЛАМИ

Чори Бекмиров Тошкент театр ва рассомлик институтини, сўнгра Ўзбекистон Бадий Академиясида аспирантурани битириб чиққан, академик Раҳим Ахмедовнинг истеъдодли шогирдларидан биридир.

— Ҳар бир асарим муайян даврдаги руҳий ҳолатимдан дарак беради, — дейди Чори Бекмиров. Дарҳақиқат, ижодий олам сари мажбуран қиролмагандек, бир нарса (ҳодиса ёки воқеа) тўртки бўлмаса, қалбда таъсирланиш уйғотмаса, мўкалам ҳаракатга келмайди. Чори Бекмиров суяк-суягидан миясигача академик, реалист рассом. Бу ижодий қонун-қоидаларни ўзида сингдириб, унинг чегарасидан чиқмай шу йўналишда бораётган, деган гап эмас. Балки академик тизимнинг энг яхши хусусиятларини ўзига сингдирган, санъатни кенг маънода тушунган ҳолда, пишиқ академик қаламсуврат, маҳорат сирларини эгаллашда унинг асосида йўналишини ўзлаштирган ҳолда реал воқелик, борлиқдан олган хис-туйғуларига таяниб, айтмоқчи бўлган фикр-ўйини юзага чиқаришга интилоқда.

Рассом ижодий тажрибаларини ўзлаштирган ҳолда, авлод-аждодларимиз ўтмишига, тарихига қадимий анъаналаримиздан келиб чиққан, суянган ҳолда воқеликни табиий ҳолатда, теран фалсафий қонуниятларини ўзига сингдирган ҳолда борлиқ, воқеликнинг романтик руҳиятини, ўлканинг қайтарилмас маданий-маънавий бойликларини ифода этувчи поэтик ва лирик ҳароратларини бўёқлар тафтида илғаб олади, воқеликнинг ўлкага хос қайтарилмас ҳароратини ифода этади. Сўнгги пайтларда рассомнинг иш характери, мавзусининг йўналиши дўғира бошлади. Илгари ўқиб даврида ўрганган академик мактаб анъанаси, ижодий руҳи ҳар бир асарда тирашлатириш, композицион картина яратишга изланиш, маҳоратини тақомиллаштириб бориб, ранг-боясидаги изланишларини кенгайтириш, сураткашлик малакасини

янада поёнига етказиш ўрнига кўпроқ ўтмишда тўплаган тажрибаси, йиққан биситини сарфлаётганга ўхшаб туюлади.

— Менинг ижодим реалик, борлиқ, халқ ҳаёти, меҳнати ва

ди Чори Бекмиров.

Ижодкор ҳам файласуф, ҳам реалист, ҳам ҳозирги замон талабидан келиб чиқиб буюрувчиларнинг кўнглига, руҳига мос йўналишда ижод қилувчи рассом.

У XIX аср сайёр рассомлари руҳида ижод этиб, ҳар бир асарига танланган мавзунинг бевоқифа ҳаёт қатламларидан олади, ўзи яшаётган, қўндалик мулоқотда бўлаётган кишилар қиёфасини, уларнинг ташқи ва ички ҳароратини бироз бўрттириб, таъсирли ҳолатга олиб чикувчи қўшимча жиҳатларига уруғ бериб таъсирлаш орқали уларнинг биографик ҳаёт чизиги, босиб ўтган турмуш йўли ва ҳаёт сўмоқларининг киши руҳиятидаги акси, ифодаси орқали муайян шахс ҳақида тўла ҳис ҳис қила олиш даражасига эришди. Шунингдек, образда у

ташвиши билан яшайман. Менда ҳеч қанақа оқимнинг таъсири йўқ. Оқим ҳақида ўйлаш ҳам йўқ. Ер билан боғлиқ, фазовий текислик ва абстракционизм эмас, балки томонман бошқача, ерга яқин, ердан келиб чиққан ҳолда ишлашни яхши кўраман. Анорлар менинг назаримда бутун бир фантастик мевадир. Мевагани эмас, балки анорда ҳаёт фалсафаси бор деб тасаввур қиламан. Анор фалсафий, севҳар, табиатнинг мўъжизаси, ҳаётнинг севини ва ташвишлари анор ичига яширингандай. Меваси шундай пардалар билан ўралганки, гўё севҳар пардадек. Табиатнинг мўъжизалари шу парда ичига ўралгандай ҳис қиламан, — дей-

ўсиб улғайган мухит, муносабатда бўлган кишилар, қолаверса у яшаган замон руҳи, тафти шундайгина анқиб туради, бевоқифа юзага чиқиб қолади. «Қашқадарёликлар» сериясига кирувчи «Чўпон портрети», «Чўл маликаси», «Қария портрети», «Боббон», «Улоқ», «Оқшом», «Садо», «Тўфон» картиналари шулар жумласидандир. Рассом ҳар бир асарини ўша



пайтдаги менинг руҳий ҳолатим, атрафга, воқеликка муносабатим, дея бекорга айтмайди. Чунки рассом ишламоқчи бўлган объектидан таъсирланмаса, ҳаяжонга келмаса ўша мавзуга қўл урмайди, агар мавзу руҳини алғов-далғов қилмаса, ишлаган асари таъсирли чикмайди. Шу ҳиссий кўзга-лиш қанча кучли бўлса, унинг бутун руҳий, жисмоний, вужудий ҳароратини ларзага келтирса, шундай пайтларда қалбларни жўнбушга солувчи кучли, таъсирли асарлар яратилади.

Рассом шу халқ, жамият фарзанди, шу муҳитда яшаб воёга етган, шу руҳий оламда катта бўлган, мавжуд воқелик, борлиқнинг махсули, бутун ички туйғуларни атрафда юз бераётган, содир бўлаётган воқеа ва ҳодисалардан баҳра олади, шу қўндалик турмуш ташвишлари, унинг иқтидоридан куч олиб суғи қотган, фикрлаш, ўйлаш, вужуд шун билан шаклланган, воёга етган. У ижодкор сифатида, интеллектуал шахс бўлганлиги боис атраф муҳитдаги юз бераётган жараёнларни теран ҳис қилади, кескин даражада қабул қилади ва туйғуларни тимсолида уни идрок этиб, таъсирга туширади. Шунинг учун ҳам у эркин фикр юритувчи, ўз ижодий йўналишини кўнгил тубидида сезгиларини ифода этиш, қалби англаган, кўнгил сезган ҳолатларни эмин-эркин қандай ҳис қилган бўлса бўёқлар, композицион қурилмалар ёрдамида кўнгилдан отилиб чиққан туйғуларни баралла ифода этишга киришади.

Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ,
катта илмий ходим
СУРАТЛАРДА: Чори Бекмиров ижодидан намуналар.

Бу — кизик

ГЛОБАЛЛАШУВ
ВА СПОРТ

Глобаллашув қандай жараён, унинг яхши-ёмон жиҳатлари нима-лардан иборат, деган савол кескин баҳс-мунозаралар мавзуси сифатида ҳали ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Шу кунга қадар глобаллашувга муносабат билдирганлар унинг иқтисодий ёки ҳуқуқий таъсиридан келиб чиқиб гапирарди. Яқиндан буён кўпчилик мутахассислар ушбу жараённи тадқиқ қилиш учун унинг спорт билан алоқадорлигига алоҳида эътибор қарата бошлади. Негаки, глобаллашув спортга жуда чуқур кириб борган ва унинг барча жиҳатлари, яхши-ёмон хусусиятлари бу соҳада айниқса ёрқин намоён бўлмоқда.

Ҳозир футбол жамоасини хорижийлик ўйинчиларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўйинчиларни харид қилиш ва «фойдаси билан» сотиш орқали иқтисодий жиҳатдан бақувват жамоалар деярли чексиз имкониятларга эга бўла бошлади. Улар учун ҳеч қандай тўсиқ ва чегара йўқ, улар дунёнинг хоҳлаган бурчагидан истаган ўйинчиларни сотиб олиши ёки ўз ихтиёридаги футболчиларни сотиб юбориши мумкин. Футболчилар ўз навбатида кўнглига ёққан жамоани танлаш имкониятига эга бўлади. Бу глобаллашув назариясидаги чегара йўқолишининг амалдаги кўринишидир.

Аммо иқтисодий жиҳатдан ночор жамоалар хоҳлаган ўйинчиларни сотиб ололмайди, қашшоқликча қолаверади. Бу энди глобаллашувнинг салбий хусусиятларидан бири. Мазкур жараёнга қарши чиқувчи гуруҳлар глобаллашувнинг ана шу жиҳатидан норози.

Бир неча ой давомида дунё кезиб глобаллашувнинг спортга, хусусан, футболга таъсирини ўрганган америкалик мутахассис Франклин Фозернинг фикрича, мазкур спорт турини глобаллашув гуллаб-яшнаётган ўзига хос дунё сифатида талқин этиш мумкин.

Аслида глобаллашувнинг ижобий жиҳатлари ҳам анчагина. Масалан, аъзолари сони бўйича дунёда биринчи ўринда қайси ташкилот туради, деган саволга кўпчилик «БМТ», деб жавоб бериши тайин. Лекин бу ўринни Халқаро футбол уюшмалари федерацияси (ФИФА) эгаллаган. Унга 205 мамлакат аъзо. Бу ташкилотни футбол дунёсининг БМТси деса бўлади.

Бир-бирига адоват сакловчи мамлакатлар жамоаларининг футбол майдонида гўнаҳ қилиши ўртадаги кескинликни юмшатишга, ушбу мамлакатлардаги аҳоли кайфиятига ижобий таъсир кўрсатишга хизмат қилиши мумкин. «1998 йилги жаҳон чемпионатида АҚШ ва Эрон бир гуруҳга тушиб қолгани кўпчиликнинг ёдида, — дейди АҚШнинг «DC United» футбол клуби президенти Кевин Пейн. — Ушунда Эрон билан АҚШ муносабатларида кескинлик сакланиб турган бўлишига қарамай, ихтиса жамоа мухлислари бир-бирига ёқараш қўлмади. Кўпчилик ўйинга қўзғиниб бир томонига Эрон, бир томонига АҚШ байроғини чизган ҳолда келган эди».

Мазкур мисоллар глобаллашув спортга ҳам ижобий ёки салбий жиҳатдан таъсир қилиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Бу эса спорт — ҳаётдир, деган фикрни тасдиқлагани қўлмай, глобаллашув борасидаги баҳс-мунозаралар якунига етмаганини, томонлар янги-янги тадқиқотлар учун янги заминга эга бўлганини аңлатади.

Қалтиш-қидирмиш

СОТИБ ОЛИНГАН
«БИЛИМ»

Телефон жиринглаб, гўшакни Самат (исмлари ўзгартирилган) кўтарди. Эски қадрдони шекилли у ёқдаги одам билан қуёққина сўрашди. Анча гаплашганларидан сўнг «хўп» деганича гўшакни жойига қўйди.

— Ким экан? — сўради Саматнинг турмуш ўртоғи.

— Аввалги ишхонадаги танишим, бир одамни ишга жойлаштириб қўйинг, — деб илтимос қилапти, — мулоимгина жавоб қилди Самат.

— Сиз нима дедингиз? — қизиксиниб сўради аёл.

— Менми? Агар ҳужжатлари ва «қаласи» жойида бўлса, ўйлаб кўрамиз, — дедим.

Самат ишга борганидан кейин қотиба қиз бир одам кутиб ўтирганини айтди. Самат ўша одамни хонасига тақлиф қилиб, у билан суҳбатлашди, қўлидаги дипломни олиб кўрди. Анча иллик тажрибага эга бўлган Самат турли инсонлар билан мулоқотда бўлган эди, лекин бундай диплом билан жуда тор фикр юритадиган йигитни биринчи кўриши. У ичида «буни текшириб кўриш керак», деб қўйди. Самат ўзини Дониёр деб таништирган йигит билан хайрлашар экан, ундан ҳужжатларини ташлаб кетишини илтимос қилди. «Мени ишга олиб қолишар экан», деб суюнган Дониёр жон-жон деб ҳужжатларини ташлаб кетди. Самат қўлига дипломни олиб қотибага тутқазди. Фахми ўткир қотиба гап нимадалигига тушуни дарров олиб қиришди. Иш вақти тугай деб қолганда у аллақандай қорғозлар билан Саматнинг олдида кириб келди. Самат қотибанинг йиққан маълумотларидан бир нарсани ўқиб: — Дипломнинг сотиб олинганлигини тегинишли органларга хабар қилиш, бизнинг бурчимиз-деди.

«ИНСОФЛИ» ОДАМ

Кун қизигандан қизиди. Жанубий мамлакатларда бундан-да иссиқ бўлишини хаёлига ҳам келтирмаган Фарҳод (исми ўзгартирилган) нолиб ўрнидан турди.

Эринибгина чойини ичиб, ҳали қанча иш уни кутиб тургани эсига тушиб юзини бужмайтирди. Охири бир амаллаб ўзида қуч толиб ишга киришди. Фарҳод анчадан бери 23 тонналик металл листларини сота олмай жони

ҳалакда. У бугун албатта шу ишнинг улдасидан чиқишга ўзига-ўзи сўз берди. Шундай деганига, ҳуллас Фарҳоднинг олдида бир йигит нарсаларига қизикиб келди.

— Албатта бу нарсаларингизни сотиб берман, — деди қизикқан йигит, — бир танишим олади, фақат сиз буни менга 2 соатгагина бериб турсангиз бас, ахир одам молни сотиб олишдан аввал обдон кўради, қолаверса бу листларингиз жуда оғир ва нархи ҳам шунга яраша бўлса керак, нима дедингиз а? Балки менга ишонмаётгандирсиз, — истеҳзоли қулиб қўйди йигит, — тўғри ҳозир одам одамга ишонадиган замон эмас, мен сизни мажбур қилаётганим йўқ, фақат оғирингизни енгил қилай дедимда...

Фарҳодга бу йигит жуда инсофли кўринди ва 4 600 000 сўм турадиган металл листларни бериб юборди. Орадан 2 соат ўтди, 3 соат ўтди, 4 соат ўтди... Аммо ҳалиги йигитдан ҳеч дарақ бўлмади. Фарҳоднинг диққати тобора ошиб борарди. У йигитнинг алдаб кетганини билганида кун жуда кеч бўлган эди. «Ноумид шайтон» деганларидек, Фарҳод таваккал қилиб милицияга кўнғироқ қилди...

ЛИЦЕЙДАГИ
ЎҒРИЛАР

Мансур (исмлари ўзгартирилган) яқиндагина лицейга ҳайдовчи бўлиб ишга кирди. Бўш вақтларида ўқувчилар илм олаётган хоналарга кириб қолар, ўғил-қизларга ҳавас билан боқарди. Лицей хоналари замонавий техникаларга бой, оёйишта, ҳамма талабларга жавоб берадиган тарзда жиҳозланган.

Бир кун Мансурнинг яқин дўсти Баҳодир уни кўришга келди. Улар анча вақт суҳбатлашди, бўлиб ўтган воқеаларни эслаб қулишди.

— Жуда яхши жойда ишлар экансан, — деди Баҳодир.

— Ҳа, ўзимга ҳам ишим жуда ёқди.

— Агар хоҳласанг бир тақлим бор.

— Қанақа тақлим экан? — ҳайрон бўлиб сўради Фарҳод.

— Бу ерда охириги моделдаги техникалар бор деб эшитдим.

— Ҳа бор, бу мен учун янгилик эмас.

— Буларнинг қанча туришини биласанми? Пулига анча вақтгача маъза қилиб яшасан бўлади. Олаётган маошинг бу пулларнинг олдида бир чакка ҳам эмас.

Пулларнинг дарагини эшитган Мансурнинг кўзлари ола-қула бўлиб кетди,

ҳаммага пул керак ўзича ўйларди у, ортиқчаси зарар қилмайди. Икковлари ўтириб режа тузишди.

Тун. Осудалигини-чи... Мансур билан Баҳодир шу пайт қабих ниятларини амалга оширмакчи бўлдилар. Келишилганидек, лицейга «йўли»ни қилиб киришди. «Информатика» хонасидан сенингна «ДЭУ» компьютерини, «МОДЕМ УС-РАБОИСК-56», «МОТЕХ-дискета» ва ўқув техника буюмларини олиб чиқиб кетаётганларида сигнализация ишлаб қолди...

Ўйлаб қарасак, шаҳар бедарвоза эмаски, хоҳлаган одам истаган нарсасини бемалол олиб чиқиб кетишларига йўл қўйилса... Қолаверса, келаганимиз бўлган болаларнинг ризқини ўғирлаб ҳали ҳеч ким барака топмаган.

КАФЕДАГИ
«НОЗАНИН»

Ботир (исмлари ўзгартирилган) юраги сиқилиб бир кафега келиб ўтирди. Бугун унинг иши ҳеч юришмади-да. Шундай жазирамада муздеккина сув ичгиси келди ва официантга ул-бул буюрди.

У ўз хаёлини билан ўтирар экан, ёнига келиб «кўнган» аёлга эътибор ҳам қилмади. Нотаниш аёлга Ботирнинг эътиборсизлиги ёқмади шекилли, ўзини билдириш учун томоғини секингина кириб қўйди. Ботир ялт этиб ёнидаги аёлга қаради.

— Салом, — деди у, — нимадандир сиқилётган кўринасиз.

Ботирнинг энаси қотиб:

— Нимаиди? — деди.

Нотаниш аёл гапида давом этиб:

— Хохласангиз бутун чарчоғингизни чиқарасиз.

Ботир бу безбет кимсанинг нимага шама қилаётганлигини дарров пайқайди ва тутатиб кетди, аммо унинг бир таъзирини бериб қўйиш ниятида:

— Ҳозир, тўхтаб туринг, ташқарига чиқиб келай, ўзим ҳам сиқилганимдан нима қилишни билмай турганим, — деди.

Нотаниш аёл «қармоққа илиндингми», дегандай ишшайиб қулди. Бу пайтда Ботир «02» га кўнғироқ қилаётгани...

Милиция ходимлари келиб аёлнинг қўлларига қишан солдилар. Унинг ён чўнтагиндан 700.38 грамм марихуана гиёвандлик моддаси топилиб. Аниқланишича бу оғуфурш Сирдарё вилоятида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган М.Мадина экан.

Феруза УМРЗОКОВА,
Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот
марказининг жамоатчи мухбири.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЁЪОНЛАР

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЁЪОНЛАР



ҲАМКОРБАНК

Азиз юртдошлар!

**Ҳамкорбанк хорижий
валютада янги омонат
турини тақлиф этади.**

«Тақдим этувчига»

деб номланган ушбу омонат 3 ой
муддатга қабул қилиниб, даромадини
йиллик 15 % гача — АҚШ доллариди,
18%гача — сўмда олишингиз мумкин.

Омонат сир сақланиши қафолатла-
нади.

Шошилинг, бу имконият фақат
24 июлгача.

Мурожаат учун тел:
(8-3712) 45-62-33, 45-76-58.

**ҲАМКОРБАНК — СИЗ УЧУН
ИШОНЧЛИ ҲАМКОР!**

“ИШЛАБ ТОП”

Жаноб тадбиркорлар ва
мухтарам корхона раҳбарлари!

Биз навроҳи, иқтисорли, тайратта тўла ёшларимиз. Бизга фақат Сизнинг таъбири на қўматилишга эътиборимиз.
Тайрат на таъбири билан таъбирини вақти келди. Чунки бу — муваффақиятга олиб борадиган энг қисқа йўл.



Тошкент шаҳар «КАМОЛОТ» тадбиркорларга «Ишлаб топ» ижтимоий
акциясида фаол иштирок этиб, ёшлар учун масъумий иш ўринларини
тақдим этишини тақлиф қилади.
Қўшимча маълумотларини

137-72-20, 137-72-21

телефон рақамлари орқали алоқа марказидан олишингиз мумкин.
Ёки ушбу вебсайтлардан акция ҳақидаги ахборотга эга бўлишингиз
мумкин:

www.tashkentkamolot.uz

www.2oxygen.com

www.kvn.uz

Акцияда қатнашган тадбиркорларга «Тасвир» нашриёт уйининг барча
нашрларида реклама жойлаштириш учун имтиёзлар берилади.

Спорт

ХАЛҚАРО
МУСОБАҚАДАГИ
МУВАФФАҚИЯТ

Австрия пойтахти Вена шаҳрида бир ҳафта давомида теннис бўйича аънанвий «Фьючерс» халқаро турнири беллашувлари бўлиб ўтди.

Соврин жамғармаси 15 минг АҚШ долларидан иборат мазкур мусобақада 20 га яқин мамлакатдан ташриф буюрган юздан ортқ катта теннис усталари ғалаба учун кураш олиб борди.

Турнирда мамлакатимиз вакили — ёш, умидли теннисчи Фаррух Дўстов жуда муваффақиятли қатнашди. У 1/16 финалдан тортиб то финалгача бир текис ўйин кўрсатиб, мухлислар ишончини қозонган ҳолда халқ қилувчи баҳсга йўланма олди.

Финалда Фаррухга майдон эгаси - Австриянинг биринчи ракамли теннисчиси Йоханнес Адер рўбарў келди. Биринчи сетда 6/1 ҳисобида Адернинг қўли баланд келган бўлса-да, бироқ Ф.Дўстов ўзини қўлга олиб, ўйин охиригача шиддатни бўшастирмади. Шу тариқа иккинчи сетни 7/6(3), учинчи сетни эса 6/1 ҳисобида ўз фойдасига ҳал этган ҳамюртимизнинг қўли баланд келди ва турнир ғолиби сифатида бош мукофот билан тақдирланди.

КУРАШЧИМИЗ
ҒАЛАБАСИ

Германиянинг Люкенау шаҳрида эркин кураш бўйича йирик халқаро мусобақа низоҳасига етди.

Турнирда Европа ва Осиё қитъаларининг ўндан ортқ мамлакатларидан келган эркин кураш усталари ғолибини аниқлаш мақсадида ғиламга тушди.

54 килограммгача бўлган энгил вазнда ҳамюртимиз Помиршо Вохидов аjoyиб маҳорат кўрсатди. У биринкетин барча рақибларини энгиб, финал баҳсида ҳам чиройли ғалабага эришди ва ҳурмат шохсупасининг энг юқори поғонасидан жой олди.

38 килограммгача вазнда иштирок этган яна бир вакилимиз Денис Михайлов 5-ўрин, 54 килограммликлар ўртасида Дилшод Бозорбоев эса 6-ўринни эгаллаган ҳолда юртимизга ёруғ юз билан қайтишди.

(Ўз мухбиримиз)

Ақмал Икромов тумани Давлат солиқ инспекцияси жамоаси туман Давлат солиқ инспекцияси бошлигининг ўринбосари

Жалолддин Саитмуродович ТУХТАМУРДОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқимиз, айниқса, ўзбек кинеси мухлислари бу атоқли санъаткор яратган бири-бирдан аjoyиб ролларни, мафтунок образларни яхши билишади. Аслида чинакам актёрга хос саодат ҳам ана шунда.

Мўлоҳаза

ТАҚЛИД МАТНИГА ЭЪТИБОР
БЕРИЛМАЙДИМИ?

Бугун Ҳамза ака орамизда йўқ. Бешафқат ўлим у кишини орамиздан олиб кетган. Аммо ҳар гал «Ўзбекфильм» киностудияси томонидан суратга олинган фильмларда актёр яратган бирор ижронини кўриб қолар эканмиз, санъаткор даҳосининг қудратига тасаннолар айта-миз. Бетакрор овозидаги ҳазинлик қаршисида дол қоламиз. Худди Ҳамза ака бугун ҳам тирикдек, сиз-у бизнинг орамизда юргандек туюлади.

Лекин биз бу ўринда Ўзбекистон халқ артисти Ҳамза Умаровнинг ижодий фаолияти ҳақида қалам суриш ниятидан йироқмиз. Бу санъатшунос олимларимиз чекидаги вазифа.

Гап шундаки, FM радиоканаллари кейинги вақтда одамларнинг ҳордигини чиқарилган лавҳалар, ранг-баранг эшитирилган устида собитлик билан иш олиб бормоқда. Айниқса булар орасида «Ори-

ят доно» радиоси ўзининг ижобий сил-жишлари билан ажралиб туради. Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, кейинги вақтда бу радио эфирларида билиб-билмай улуғ санъаткорнинг овозига тақлид қилиш одат тусига кирди. Биз бекорга сўзимиз индаллосида Ҳамза Умаров овозидаги шира, ҳазинлик ҳақида гапирмадик. Бу атоқли санъаткорнинг овозига ўхшатма айнан шу радиога янграйди.

Эсингизда борми, «Ўтган кунлар» фильмида Ҳомид (бу ролни Ҳамза Умаров ижро этган) Отабекнинг оиласига қутку уюштириш учун Содиқни ёллайди. Лекин режалар барбод бўлади.

Бу манзара — лавҳа фильм қаҳрамони томонидан: «Хўш, Содиқ полков, Тошкентда нима гаплар...» деган гап билан бошланади. «Орият доно»нинг бир гуруҳ шоввозлари эса ҳе-йўқ, бе-йўқ уни ўзла-рича талқин этишган. Радиодаги «Содиқ»

«Ҳомид»га «Орият доно»ни 105 қақирим наридан ҳам одамлар тинглашайтганини айтиди.

Мантиқсизлик ҳам шу даражада бўладими?! «Ўтган кунлар» ўзбек халқининг мумтоз адабиёт намунаси саналади. XX аср ўзбек адабиёти хазинаси ҳали у каби нодир асар билан бойиган эмас. Ўз-ўзидан савол туғилади: шундай буюк асарга кўр-кўрона дахл этишга ҳаққимиз бормикан?! Грузинлар Шота Руставелининг «Йулбарс терисини ёпинган паҳлавони»ни кўкка кўтаришди. Руслар «Игор полки жангномаси»ни кўз қорачигидай асрашди. Биз-чи?! Биз қайси халқдан камимиз? Бу масаланинг бир томони эди, холол!

Ҳамза Умаровнинг овози масаласига қайтайлик. «Орият доно» ижодкорлари бу атоқли санъаткорнинг овозини ўхшатишга харчанд уринишмасин, қўллари-дан келмаётгани ой билан қундай равшанлигини ўзингиз яхши биласиз. Нима бўлганда ҳам Ҳамза аканинг овозчилик сеҳру жозиба қайси санъаткорга насиб қилади, билмайман-у, лекин бу ачинарли ҳолат кишининг гашига тегиб бўлди.

Шундай экан, бу борала FM каналлари масъуллари, хусусан, «Орият доно» мутасаддилари ўйлаб кўрса яхши бўларди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

олиб кетаётганлиги тергов да-
вомида аён бўлади.

Шуни таъкидлаш ўринлики,

садида табиатнинг беозор жо-
ниворларини сотиб катта да-
ромат қилмоқчи бўлибди. Ас-

БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

Пойтахтимиз божхоначилари мамлакатимиз ҳудудига кириб келаётган ва чиқиб кетаётган фуқароларни доимий равишда божхона назоратидан ўтказиб бориш давомида бир қатор қонуибузарликларни аниқлашмоқда. Нафс балосига йўлиққан айрим шахслар ноқонуний бойлик орттириш йўли билан узоққа бориб бўлмаганини билишсада, божхона қонуи-қондасига риоя қилмаган ҳолда турли қўринишдаги ҳуқуқбузарлик ҳолатларини содир этмоқдалар. Бундай қин-гир ишларни фойш этишда божхона ходимлари муайян нати-жаларга эришмоқда.

Тошкент аэропорти божхона ходимлари жорий йил боши-дан 13 дона тарихий аҳамият-га эга бўлган китобларнинг четта яширин йўллар билан чиқиб кетишининг олдини олдилар.

● Марғилонлик Марс Гуме-ров ҳам бойлик орттириш мақ-

лида бундай жонотларни четта олиб чиқишда тегишли таш-килотлар рухсатномаси бўли-ши керак эди. Нафсини жи-ловлай олмаган бу қонунбу-зар Тошкент шаҳар божхона бошқармаси Контрабанда ва божхона қондаси бузилишига қарши курашиш бўлими хо-

димларининг кўзини шамғалат қилиб, божхона назоратини четлаб ўтмоқчи бўлди. У бож-хона баённомасида 500 дона тўтиқушни кўрсатиб 336 дона тўтиқуш, 350 дона тошбақа ва 7 дона кабутарларни божхона баённомасига киритмасдан яширин равишда олиб чиқиб кетмоқчи экан. Аммо ҳамиша сергак ва ҳушёр божхона хо-димлари бу қонунбузарнинг режасини барбод қилдилар.

Келес темир йўл бекатидан 282-сонли «Тошкент-Уфа» йўналишидаги поезд вагонига жойланган бу жонотлар но-қонуний равишда Россия Фе-дерациясига олиб кетилаётган-лигида тўхтатилди.

Била туриб ноқонуний бой-лик орттиришга қўлдан ҳўйган бу олғирлар қонунда белгилан-ган тартибда иш юритганла-рида юзлари шувут бўлиб қол-масди.

Нурбек МУСТАФОЕВ

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази

ТОШКЕНТ РАДИОТЕХНИКА ВА АВТОМАТИКА
КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИ

2004-2005 ўқув йилига куйидаги мутахассисликлар бўйича умумтаълим мактаб битирувчиларини қабул қилади

Кундузги бўлим (9-синфни тугатган-лар учун):

1. Менежмент. Офис ва ишлаб чиқариш менежменти.
2. Радиотехника ва телеаппаратураларни таъмирлаш ва ишлатиш.
3. Компьютер ва офис жиҳозларини таъмирлаш ва ишлатиш.
4. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит.
5. Училишнинг ердаги радиотехника таъмирлаш воситаларидан техник фойдаланиш.
6. Радиоэлектрон аппаратларни ўрнатиш ва уларга хизмат кўрсатиш.
7. Электрон техника махсулотларини йиғиш.
8. ЭХМ оператори, ЭХМ дастурчиси. Компьютер тармоқлари жиҳозларини ўрнатувчи.

Ўқиш муддати — 3 йил.

Тўлов контракт асосида 11- синф битирувчилари учун:

1. ЭВМ ва автоматлаштирилган тизимлар учун дастурлаш.
 2. Радиотехника ва телеаппаратураларни таъмирлаш ва ишлатиш.
- Ўқиш муддати 2 йил, ўқиш шакли кундузги.
- Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.
- Ҳужжатлар 15 августгача қабул қилинади.
- Қўшимча маълумотни: 116-76-16, 116-60-71, телефонлари орқали олиш мумкин.
- Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20-мавзе, Катта-қаъни кўчаси, 52-уй.

Транспорт: 69-автобус, 17-трамвайнинг «Радиоколлеж» бекати, 6- троллейбуснинг охириги бекати.

Қабул хайъати ҳар куни 8.00 дан 19.00 гача.

Шанба кун 8.00 дан 18.00 гача иш-лайди.

Ўқишга кириш учун керакли ҳуж-жатлар.

1. Шаҳодатнома (асл нусха).
2. Тиббий маълумот Ф-086 (плюс копия)
3. Турар жойдан маълумотнома.
4. Паспорт ёки туғилганлиги ҳақида гувоҳнома.
5. Тавсиянома.
6. 6 та сурат 3х4.



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Ақмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълолар:
133-28-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-21-56

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида
босилади.
2812 нускада босилади. Қитъа биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Навр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги
почта бўлимига ёки «Тошкент почтаси»га — 133-74-05
телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилди ва сақланганлиги.

«Шарқ» нашрий-нотбоа акционерлик компанияси бошқармаси.
Қорхона манзили: «Буюк Тўро» кўчаси, 41-уй.